



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Мансуров Мансур Алишерович -
Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat
институту, кафедра мудири, PhD, доцент,

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a30](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a30)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда бюджет ижросининг ғазначилик тизими жорий этилиши, тизимнинг долзарблиги асослаб берилган. Шу билан бирга, унинг назарий ва амалий асослари ёритилган. Мамлакатимизда ғазначилик ижросини самарали ташкил қилиш, давлат маблағлари тушуми ва сарфланиши устидан назоратни кучайтириш учун давлат молиясини бошқаришда давлат бюджети аҳамиятини ошириш йўналишлари келтирилган.

Калит сўзлар: бюджет, кесилган ўзаро таъсир, бюджет даромадлари, бюджетлараро трансфертлар, маҳаллий бюджет барқарорлиги, нақд пул, ғазна.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА

Мансуров Мансур Алишерович
Ташкентский институт текстильной и легкой
промышленности, заведующий кафедрой,
кандидат технических наук, доцент

Аннотация. В статье обосновано внедрение казначейской системы исполнения бюджета в Узбекистане, актуальность системы. При этом выделяются ее теоретические и практические основы. Предусмотрены направления повышения роли государственного бюджета в управлении государственными финансами в целях эффективной организации исполнения казначейства в нашей стране, усиления контроля за поступлением и расходованием государственных средств.

Ключевые слова: бюджет, пересекающиеся взаимодействия, доходы бюджета, межбюджетные трансферты, устойчивость местного бюджета, касса, казна.

METHODOLOGICAL AND INSTITUTIONAL FRAMEWORK FOR TREASURY EXECUTION OF STATE BUDGETS

Mansurov Mansur Alisherovich -
Tashkent Institute of Textile and Light Industry,
Head of Department, PhD, Associate Professor

Abstract. The article substantiates the introduction and relevance of the treasury system of budget execution in the Republic of Uzbekistan. And also, its theoretical and practical foundations are described. Directions are provided for increasing the role of the state budget in managing public finances in order to effectively organize the execution of the treasury in the country, and strengthen control over the receipt and expenditure of public funds.

Key words: budget, intersectional interaction, own revenues, interbudgetary transfers, local budget stability, cash, treasury.

Кириш. Давлатнинг жамият олдидаги асосий вазифаларини бажаришдаги ўрнини оширган ҳолда иқтисодий модернизациялаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет харажатлари ва молиявий оқимлар ҳаракатлари устидан самарали назоратни таъминлашга хизмат қилувчи замонавий молия тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон молия тизимини ислоҳ қилиш шароитида унинг институционал-инструментал таъминоти хўжалик юриштининг янги шароитларига мослашуви юз беради, бу ҳол иқтисодий эркинлашувига қараб молиявий муносабатларнинг туб моҳияти ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар давлатга ижтимоий ва иқтисодий соҳани тартибга солиш им-

конини берувчи энг муҳим механизмлардан бири ҳисобланган давлат молияси тизимини ҳам четлаб ўтмади.

Давлат молияси тизимида муҳим ўринни жорий йилдаги давлат молиявий режаси амалдаги қонунчилик асосида қабул қилинадиган давлат бюджети эгаллайди. Давлат бюджети пул маблағларининг ягона фонди шаклида унга келиб тушадиган даромадлар фақат харажатларни қоплашга йўналтирилишини ўзида акс эттиради. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, давлат бюджети пул маблағларининг умумдавлат фондини шакллантириш ва тақсимлаш режаси муддати ва ҳажмига кўра ўзаро боғланган давлат даромад ва харажатларининг бўлишини тақозо этади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, исталган

мамлакатда давлатнинг молиявий ресурсларини бошқариш тизимида бюджетни тартибга солишнинг маълум модели амалга оширилишини таъминловчи ташкилий тузилма муҳим аҳамиятга эга. Хорижий давлатларда ана шундай ташкилий тузилма сифатида анъанавий тарзда ғазначилик институти иштирок этади ва у ўз ривожининг кўп йиллик даври мобайнида иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришда бюджет соҳасидаги молиявий сиёсатни амалга ошириш воситасига айланди. Ғазначиликнинг молиявий ресурсларни батафсил ҳисобга олишнинг барча бос-қичларида иштирок этиши бюджетнинг мувозанатлашганлиги тамойилини амалга ошириш, мавжуд макро-иқтисодий вазият шароитида прогнозлаш жараёнида юзага келадиган номутаносибликларнинг ўрнини қоплаш имконини беради. Ғазначиликнинг иштироки прогноз қилинаётган ресурс базасидан келиб чиқиб, мазкур даврда устувор бўлган йўналишлар ва давлат бюджетини молиялаш ҳажмини тўғри ва аниқ белгилаш имконини беради.

Адабиётлар шарҳи. Кўпгина тадқиқотчилар давлат бюджети ғазна ижросини турли нуқтаи назардан ва ҳар хил муҳитда ўрганишган.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича, бюджет иқтисодий восита сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сон ва сифат жиҳатдан таъсир этади. Сон жиҳатдан таъсир этиши бюджет молиявий ресурсларини пропорциялар билан тақсимлаш белгиласа, сифат жиҳатдан қайта ишлаб чиқариш жараёнида иштирокчиларнинг молиявий ҳолатига молиявий муносабат шакллари ташкил қилиш билан белгиланади.

Бу эса ўз навбатида, миллий иқтисодийнинг ривожланишига туртки бўлади. Бу ерда молиявий ресурсларни йўналтириш ва ишлатиш тамойил ва усулларини хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларига узвий боғлаш талаб этилади. Бу эса бюджетнинг иқтисодий тартибга солишдаги ўрни муҳимлигини белгилайди ва бюджет бунда давлат марказлашган маблағларининг даромад тушуми ва харажатлар талаби тўғрисида аниқ маълумот беради.

Шундан келиб чиқиб, Т.Эшназаров “бюджет” тўғрисидаги тушунчани қуйидагича талқин қилади: “Давлат бюджети иқтисодий категория сифатида жамиятнинг маълум бир даражадаги талабларини қондириш мақсадида давлат ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги давлат пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнидаги молиявий муносабатлардир”[1].

Хусусан, И.Г.Акперов[2] “Замонавий шароитда бюджет нафақат қонун сифатида тасдиқланадиган ягона режали ҳужжат, балки дав-

латнинг ягона молиявий сиёсати асосида молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш, молия хўжалик тизими ташкил қилинадиган асос ҳисобланади” деб ҳисобласа, И.Н. Шуляк ва Н.П. Белотеловлар[3] бюджетни амалдаги молиявий тушунчалар бирлиги сифатида акс эттиради. С.И.Лушина ва В.А.Слепованинг[4] фикрича, “Давлат бюджети пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш бўйича фаолият қуйидаги тамойилни амалга ошириш билан боғлиқ: давлат маблағлари фондининг ягоналиги ва ғазначилик маблағларини тўплаш ва тўлашда кассанинг ягоналиги тамойили”.

Шу билан бир қаторда россиялик олима В.М. Родионова “Давлат бюджети жамият ва унинг ҳудудлари талабини қондириш мақсадида давлат қўлида йиғилган миллий даромадни қайта тақсимлашнинг иқтисодий шаклидир” деган фикрни билдирса, европалик олимлар Питер Этрилл ва Эдди Маклейнининг фикрича, “Бюджет – келажак учун молиявий режа. Уни ишлаб чиқишда турли меъёрлардан фойдаланилади. Ушбу меъёрлар бир бирлик ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки истеъмол қилинган ресурслар бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни ифодаловчи табиий ва нархий кўрсаткичдир”[5].

Профессор Т.С.Маликов эса: “Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар билан давлатнинг молиявий режасидан иборат”[6], – деб таъриф беради.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (кейинги ўринларда Бюджет кодекси)да давлат бюджетига қуйидагича таъриф берилган: “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети – давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси”[7].

Бугунги кунда Бюджет кодекси бюджетни давлат ва маҳаллий бошқарувнинг вазифа ҳамда функцияларини таъминлаш учун қаратилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва сарфлаш шакли сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдан қабул қилинаётган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни[8] билан давлат бюджети ёрдамида тўпланган пул маблағлари молиявий механизмлар орқали давлатга юклатилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий функцияларни бажариш учун сарфланади.

Қайд этиш керакки, бюджет пул маблағлари жамғармаси сифатида яхлит тарзда ҳеч қачон мавжуд бўлмайди, даромадлар тушумига кўра у харажатларни қоплашга йўналтирилади. Демак, бюджет муносабатлари вужудга келади.

Бюджет муносабатларини шакллантиришда бюджет жараёни[7] ўзида бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилиши, тузилиши ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнини намоён этади.

Бизнингча, бюджет жараёнининг юқорида таъкидлаб ўтилган бирлиги бюджетнинг иқтисодий категория сифатида туб моҳиятини англатиб, унинг қайта тақсимлаш воситаси эканлигини ҳам очиб беради. Амалиётда бу ҳолат бюджет пул маблағларини сарфлашда кўринади.


Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришнинг асосий шакли сифатида ҳокимият органларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган фаолиятни ўзида намоён этади.

Шундай қилиб, бюджетни қайта ишлаб чиқариш жараёнига туртки берувчи, ижтимоий дастурларни, ижтимоий товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, фан ва техника тараққиётини рағбатлантириш, тузилмавий муаммоларни ечиш, давлат мудрофаасини таъминлаш ва давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириш имкониятини яратиб берадиган муҳим зарурат ҳамда восита деб қараш мумкин.

Давлат бюджети давлат қўлида тўпландиган жамият маҳсулотлари қийматини қайта тақсимлаш босқичларини акс эттирувчи даромадлар ва харажатларнинг муҳим иқтисодий шакли сифатида фаолият юритади. Бу эса ўз навбатида, бюджет ижросини самарали амалга оширишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспекция ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакат бюджети ҳар қандай ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) йирик қисмини қайта тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Жумладан, Японияда 1/3 қисми, Нидерландия, Норвегияда 1/2 қисми, Швецияда 2/3 қисми, Россияда 1/3[9] қисмини ҳамда Германия бюджетнинг 46 фоизи, Словения бюджетининг 49,8 фоизи, Испания бюджетининг 56,7 фоизини қайта тақсимлайди[10]. 2020 йилда эса бу мамлакатлар бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши, жумладан, Японияда 38,7 фоиз, Нидерландияда 48,1 фоиз, Норвегияда 58,4 фоиз, Швецияда 52,9 фоиз, Германияда 51,1 фоиз, Россияда 39,5 фоиз[11], Словенияда 52,0 фоиз ва Испанияда 52,3 фоизни ташкил қилмоқда[12]. 2016 йилда эса бу рақамлар 36-45 фоиз атрофида қайд этилган[13].



1-расм. ЕИ мамлакатлари бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши

Ўзбекистонда давлат бюджети орқали ЯИМнинг 35-40[14] фоизи, миллий даромаднинг эса 1/3 қисмига яқини қайта тақсимланган. Ёки 2019 йилда консолидациялашган бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши 31,3 фоизни ташкил этган[15] бўлса, 2020 йилда COVID-19 пандемияси шароитида 31,8 фоизни ташкил этган. Давлат харажатлари давлат мақсадли жамғармалари квазифискал харажатлар билан бирга ЯИМда 40 фоиздан кам эмас (Жаҳон банки, 2019)[16].


2020 йилда COVID-19 пандемияси жаҳон иқтисодиётига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон банкининг дастлабки маълумотларига кўра, глобал етказиб бериш

занжирининг узилиши ва қатъий карантин чораларининг жорий этилиши натижасида 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 4,3 фоизга қисқаргани қайд этилди. Бунда ривожланган давлатлар иқтисодиёти 5,4 фоизга, бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳамда ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти 2,6 фоизга қисқарган.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича республика иқтисодиёти 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсган бўлиб, ЯИМ ҳажми 580,2 трлн. сўмни ташкил этган[17]. Бутун дунё иқтисодий рецессияга учраганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти ижобий иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолган.

Давлатнинг иқтисодий ва молиявий тизими тартибга солишнинг асосий воситаси давлат бюджетидир. Бюджет иқтисодиётни ривож-

лантириш билан бир қаторда, ижтимоий соҳада илғор ўзгаришларни амалга оширишнинг зарур базаси сифатида ҳам хизмат қилади[18].



2-расм. Молиялаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича Германия, Испания ва Словения мамлакатлари бюджетлари билан ЕИ бюжетининг қиёсий таҳлили (жами молиялашга нисбатан фоизда)[19]

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё мамлакатлари давлат бюджетининг тақсимланишида ҳам ижтимоий соҳа илғор кўрсаткичларга эга. Жумладан, ЕИнинг умумий кўрсаткичи паст бўлишига қарамай, Германия бюджетининг 46 %, Испания бюджетининг 56,7 % ва Словения бюджетининг 49,8 % ижтимоий соҳага қайта тақсимланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Мамлакатимизда давлат бюджети даромадларининг (мақсадли жамғармаларсиз) 2013-2020 йиллардаги ғазна ижросининг таҳлили куйидагиларни кўрсатди.

2020 йилда давлат бюджети даромадлари ижроси 132 938,0 млрд. сўмни ташкил қилган ва

2019 йилдагига нисбатан 118,5 фоизга ўсган. 2015 йилга нисбатан уч баробардан ортиқ (364,2 %), 2013 йилга нисбатан эса беш баробардан (506,9 %) ортиқ ошганлигини кўрамиз. Даромадларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (кейинги ўринларда ЯИМ) улуши 2013 йилга нисбатан ўсиши 104,0 фоизни, 2015 йилга нисбатан 107,5 фоизни, 2019 йилга нисбатан эса 104,5 фоизни ташкил қилиб, унинг ўсиш тенденциясини кўрамиз. 1-жадвалда 2013-2020 йилларда Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбатан тенденцияси ва уларнинг ҳажми келтирилган.

1-жадвал

2013-2020 йилларда давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбатан ўсиш тенденцияси ва ҳажми

Кўрсаткичлар	Ижро қилиш, млрд. сўм					ЯИМ ҳажмига нисбатан %				
	2013 й.	2015 й.	2017 й.	2019 й.	2020 й.	2013 й.	2015 й.	2017 й.	2019 й.	2020 й.
Ялпи ички маҳсулот	118986,9	171369,0	249136,4	511800,0	580200,0	100	100	100	100	100
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) жами	26223,2	36493,3	49684,8	112165,4	132938,0	22,0	21,3	20,0	21,9	22,9
Бевосита солиқлар	6353,7	8 798,4	11538,9	31676,8	45206,9	5,3	5,2	4,6	6,2	7,8
Билвосита солиқлар	13398,6	19193,8	26133,6	46427,3	46428,4	11,4	11,2	10,5	9,1	8,0
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3888,2	4816,1	6867,4	19680,7	21257,0	3,3	2,8	2,8	3,8	3,7
Бошқа даромадлар	2582,7	3685,0	5144,8	14380,7	20045,8	2,2	2,1	2,1	2,8	3,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, бевосита солиқлар миқдори ортиши 2020 йилда 2015 йилга нисбатан беш баробар (513,8 %), 2013 йилга нисбатан эса етти баробар (711, 5%) ўсиши билан унинг ЯИМдаги ҳажми 2015 йилда 150,0 фоизга ва 2013 йилда эса 147,2 фоизга ошган. Шу билан бир қаторда билвосита

солиқлар 2020 йилда 2015 йилга нисбатан икки баробардан (241,8 %) ортиқ, 2013 йилга нисбатан эса уч баробардан (346,5) ортиқ ўсган ва билвосита солиқларнинг ортиши бевосита солиқларга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Бу, ўз навбатида, солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва бюджет даромадлари-

нинг ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингани билан изоҳланади.

Ислохотлар натижасида айланма маблағдан олинадиган солиқлар бекор қилинди, жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси 22,5 фоиздан 12 фоизга туширилди, суғурта бадаллари ва давлат жамғармаларига мақсадли ажратмалар бекор қилинди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ беш фоиздан икки фоизга туширилди. Ягона ижтимоий тўлов кичик короналар учун ўн беш фоиздан ўн икки фоизга, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналаридан ташқари йирик корхоналар учун ўн икки фоизгача камайтирилди.

Солиқ юкининг тенг тақсимланиши натижасида ҚҚС тўловчилари сони 2016 йилга нисбатан 17,3 баробарга, фойда солиғи тўловчилари 15,2 баробарга ва ер солиғи тўловчилари эса 38 баробарга ошган. Юридик шахслардан олинган фойда солиғининг улуши жами даромадларда 2013 йилда 4,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 3,0 фоизни ва 2020 йилга келиб, 21,6 фоизни ташкил қилди ва 2013 йилга нисбатан беш баробардан ортиқ (540 %), 2015 йилга нисбатан эса қарийб 7,0 баробар (675 %) ўсган.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги олимларнинг турли хил қарашларини таҳлил қилган ҳолда ҳамда хилма-хил таърифларни умумлаштириб, “Давлат бюджети” тўғрисидаги тушунчани қуйидагича талқин қилиш мақсадга мувофиқ. *Давлат бюджети жамиятнинг маълум бир даражадаги ижтимоий ва иқтисодий талабларини қондириш мақсадида давлат томонидан режалаштирилиб ташкил этилган марказлаштирилган давлат пул маблағи жамғармасидир.*

1. Қуйидаги тамойиллар бюджетнинг ғазна ижроси тизимининг ўзига хос, яъни бюджет маблағларини самарали бошқариш, бюджет маблағлари сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг шаффофлиги хусусиятларини белгилаб беради, деб ҳисоблаймиз:

- тасарруф этиш ва касса операцияларини бюджет ижроси иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;
- пулли мажбуриятларга рухсат бериш;
- чиқим операцияларини ғазначилик шахсий ҳисобварақлари тизимида акс эттириш;

- харажатларни ягона бюджет ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида тўловини амалга ошириш;

- барча даражадаги бюджетларни ижро этишда ҳуқуқий ва ахборот стандартлари ягоналиги;

- ягона бюджет таснифи ва бюджет ҳисоботлари шакллари қўллаш асосида бюджетларнинг шаффофлиги;

- бюджет даромад ва харажатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

- бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва тежамлилиги.

2. Фикримизча, барча мамлакатлардаги хилма-хиллик, бюджетнинг ғазна ижроси тизимини самарали ташкил қилиш қуйидагиларга асосланади:

- ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида функцияларнинг аниқ тақсимланиши;

- самарали фаолият юритувчи бошқарув органининг умумлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи фаолияти.

- Ғазначиликни ташкил этишда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдорлиги ва тайёргарлиги.

3. Давлат бюджети даромадларида қўшилган қиймат ва акциз солиқлари улушини жаҳон стандартларига келтириш ҳамда бевосита солиқларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

4. Йиллик бюджетдан ўрта бюджетни режалаштириш тизимига ўтиш, солиқ тушумларининг бир меъёрда тушишини таъминлайди. Шунингдек, маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқлар манбаларини кўпайтириш, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

5. Бугун амал қилаётган умумдавлат солиқларининг бюджет тизимлари бюджетлари ўртасида қайта тақсимланишида бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларда даромад режаларини узлуксиз ўзгартириш механизмидан бутунлай воз кечиш ва даромадлар тушуми режаси ва солиқлар ставкасини камида уч йилга қатъийлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

6. Норматив ажратмаларини белгиламай туриб, маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантириш механизмини амалда қўллаш маҳаллий бюджетлар даромад қисмини шакллантириш ҳамда ижро этиш жараёнини соддалаштириш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими асослари. – Т.: Иқтисод-молия, 2012.
2. Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П.. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. – М.: Кнорус, 2015, с.10.
3. Шуляк И.Н., Белотелов Н.П. таҳрири остида. 3-нашри. – М.: Экономистъ, 2006. С. 116.
4. Лушина С.И., Слепова В.А. таҳрири остида. 2-нашри. – М.: Экономистъ, 2006. С. 220.

5. Питер Этрилл, Эдди Маклейни. Финансы и бухгалтерский учет для неспециалистов. Учебник. Алпино Паблишер, 2007. С. 312.
6. Маликов Т.С. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т., 2007. 83-б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 3-модда. <https://lex.uz/docs/2304138>.
8. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун. <https://lex.uz/docs/5186044>.
9. Приоритеты государственного регулирования экономики. – Ростов-на-Дону: СКАГС, 1998. С. 34.
10. Гилёва А.А. Формирование и использование общего бюджета Е.С. Диссертация. – М., 2011.
11. <https://www.rbc.ru/economics/23/03/2021>
12. <https://ru.tradingeconomics.com>
13. <https://yury-st.livejournal.com/293354.html>
14. Чепель С.В. и др. Макроэкономика. – М., 2007. С. 22-39.
15. <https://tinесonотu.uz>. Экономическое обозрение. № 1 (251). 2021.
16. Ортиков Н., Давлетов Ф. Бюджетный дефицит в оптимизации. // Экономическое обозрение. № 1 (251). 2021.
17. Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланган. 2020 й.
18. Мансуров М.А. Основные факторы развития государственной финансовой системы. “Новый университет”. Россия:-07-08, 2014.
19. Гилёва А.А. Формирование и использование общего бюджета Е.С. Диссертация. – М., 2011.



БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ АҲАМИЯТИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a31

Бабахонов Жаъфар Мухиддинович -
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аннотация. Мақолада бюджет жараёнини ташкил этишда молиявий назоратнинг аҳамияти хусусида фикр билдирилган, иқтисодчи олимларнинг тадқиқотга оид фикрлари ўрганилган ҳамда тадқиқот доирасида хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: бюджет, молия, молиявий назорат, бошқарув, даромад, харажат.

РОЛЬ ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В ОРГАНИЗАЦИИ БЮДЖЕТНОГО ПРОЦЕССА

Бабахонов Джафар Мухиддинович -
Каршинский инженерно-экономический институт

Аннотация. В статье рассматривается значение финансового контроля в организации бюджетного процесса, взгляды экономистов на его изучение и делаются выводы.

Ключевые слова: бюджет, финансы, финансовый контроль, управление, доход, себестоимость.

THE ROLE OF FINANCIAL CONTROL IN THE ORGANIZATION OF THE BUDGET PROCESS

Babaxonov Jafar Muxiddinovich -
Karshi Engineering and Economics Institute

Abstract. The article discusses the importance of financial control in the organization of the budget process, the views of economists on the study and draws conclusions.

Keywords: budget, finance, financial control, management, revenue, cost.

Кириш. Молиявий назорат ташкилотнинг фаолиятини кузатиш ва баҳолаш учун муҳим бўлиши мумкин. Ҳар бир бизнеснинг асосий мақсадларидан бири даромад олишдир. Бюджет режалаштириш воситасидир, чунки у иш фаолиятига йўналиш беради. У қандай фаолият муҳимлиги ва ҳар бир фаолият учун қанча ресурсларни ажратиш кераклигини кўрсатади.

Давлатнинг молиявий назорати иқтисодиётда зарур фикр-мулоҳазалар, режалар ва ҳақиқий натижаларни тизимли мувофиқлашти-

ришни таъминлайди, бу эса тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур асос ҳисобланади. Давлат назорати кўп жиҳатдан молиявий-иқтисодий соҳада жуда қимматга тушадиган хатолардан қочишга ёрдам беради. Қолаверса, давлат молиявий назоратининг яхши йўлга қўйилган тизими ҳам ижтимоий адолат тамоийилларига эришишга хизмат қилади, бусиз халқнинг марказий ва ҳудудий ҳокимият органларига ишончини шакллантириш мумкин эмас.